

Катта олдин гапиради



14:10 / 08.01.2019 2879

Саҳл ибн Абу Ҳасмадан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Саҳл ва Муҳаййиса ўзларига етган қийинчилик юзасидан Хайбарга чиқдилар. Муҳаййисага Абдуллоҳнинг ўлдирилиб, чуқурга ёки булоққа ташлангани хабар қилинди. У яҳудийларга бориб:

«Аллоҳга қасамки, уни сизлар ўлдирдингиз», деди. Улар:

«Аллоҳга қасамки, уни биз ўлдирганимиз йўқ», дейишди.

Сўнгра қавмининг ҳузурига қайтиб келди ва уларга (бўлган ишни) зикр қилди. У (Муҳаййиса) акаси Ҳуваййиса ва Абдуррахмон билан (Набий алайҳиссаломнинг олдиларига) келишди. У Хайбарда бўлгани боис гапиришга киришган эди, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам

Муҳаййисага ёшни назарда тутиб, «Каттага (сўз бер,) каттага», дедилар. Шунда Ҳуваййиса гапирди. Кейин Муҳаййиса гапирди...»

Бухорий ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифдан катта турганда кичикка гапириш учун йўл йўқ экани очиқ-ойдин кўриниб турибди. Бунга мусулмон халқлар доимий равишда амал қилиб келишган, катталар ҳузурида кичикларнинг гап бошлаш одати бўлмаган. Кичиклар фақатгина катталарнинг рухсати билан гапирган.

«Молик ибн Мўфул айтади: «Толҳа ибн Мусарраф билан юриб борар эдим. Бир тор жойга келиб қолдик. У олдинга ўтди-да, «Агар сенинг мендан бир кунлик катта эканингни билганимда, олдинга тушмас эдим, деди».

Муслим, Абу Довуд ва Насойлар Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга таомда ҳозир бўлсак, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошламагунларича у зотдан аввал қўл узатмас эдик.

Биз у зот билан бирга бир марта таомга ҳозир бўлдик. Бир жория худди уни биров қуваётгандек шошилиб келди ва таомга қўлини узата бошлади. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг қўлидан тутдилар.

Сўнгра бир аъробий худди уни биров қуваётгандек шошилиб келди. Шунда у зот унинг ҳам қўлидан тутдилар ва: «Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган таомни шайтон ўзига ҳалол ҳисоблайди. У (шайтон) мана бу жорияни у ила (таомни) ўзига ҳалол қилиб олиш учун келтирди. Шунда мен унинг қўлидан тутдим. Сўнг мана бу аъробийни у ила (таомни) ўзига ҳалол қилиб олиш учун келтирди. Шунда мен унинг ҳам қўлидан тутдим. Жоним қўлида бўлган Зот билан қасамки, унинг (шайтоннинг) қўли жориянинг қўли билан менинг қўлимга тушди», дедилар».

Демак, таом ҳозир қилинганда ҳам уни тановул қилиш аввал катталардан бошланади. Шунга ўхшаш барча ишларда кичиклар катталарни ҳурмат қилиб, уларга йўл беришади.

Ушбу фазилатли ишларни халқимиз барча мусулмон халқлар билан биргаликда қадимдан амалга ошириб келган. Шунчаки амалга ошириб қолмай, бу борада пешқадам ва бошқаларга ўрнак бўлган. Биз, бугунги кун

авлодлари ҳам бу борада барчага ибрат, намуна кўрсатишимиз лозим.

«Кексаларни эъзозлаш» китобидан